



СУЛТОН БАЙБАРС (1260-1277 йиллар). Мамлуклар биринчи шохобчасининг ахамияти каттарок бўлди, чунки у таникли подшоҳларни, жумладан, Ислонинг иккита буюк курашчисини ато килди.

Улардан бири бўлган Султон Зоир Байбарс Ислонинг асл шамшири эди. Мўгуллар ва салибчиларни мағлуб қилган ҳам мамлукларнинг ана шу тўртинчи султони бўлди. Халокухон Ўрта Шарқдаги мусулмон кироликларини ағдариб, Бағдодни яксон этгач, Шом оркали Мисрни шип-шийдам қилишга йўл олганида Султон Байбарс Шарқдан унга қарши бориб, 1260 йил 3 сентябрда Айнун Жалут деган жойда бўлиб ўтган жангда шу даврга қадар енгилмас саналиб келган мўгулларга қашатқич зарба берди. Султон Байбарс бу билан қифояланиб қолмади. У нигоҳини қудратли салибчиларга, ҳали ҳам уларнинг франк вакиллари қўл остида қолиб қелаётган ўлкаларга қаратди. Зеро, франклар Халокухон билан иттифок тузиб, уни мусулмонларга қарам ерларни қайтадан истило қилишга гиж-гижламоқда эди. Байбарс мусулмонларни ҳар йили насронийларнинг князликларига қазавот урушлари олиб боришга сафарбар этиб турди. Бу князликлар эса насронийларнинг қўпгина "князлик уюшмалари" томонидан насроний эътиқодидаги аҳоли истикоматгоҳларида ўзларига истехкомлар қуриб олиб, қўпгина шаҳарлар ва кентлар устидан назорат қилиб турадиган қасур ва қадил жангчилар билан мустанкамланган эдилар. Темпель князларининг "темпларлар" деб аталадиган уюшмаси ва госпитал ерлар ана шундай ташкилотлардан эди. Байбарс 1263 йилда Арсуф яқинида госпитал ерлар истехкомига ҳужум қилиб, уни қосиб олди. Қелгуси йили темпларларнинг мудофаа қўргони бўлган Сафадни эгаллади. У Салоҳиддинга ўхшаб қанимларга раҳмдиллик қилиб ўтирмасди. Бундан ташқари, унга қўпроқ мусулмонларга ҳеч бир соҳада шафқат қўрсатмайдиган насронийлар билан иш қўришга тўғри қелди. Шундай қилиб, у Сафадни қўлга қиритгач, асир тушган икки минг қишини темпларларга қотишдан бош қортиб, уларнинг ҳаммасини қатл эттирди. Насронийлар қалъасини олиши билан унга ўт қўйиш ёки ер билан яксон этиш, асирларни эса қул қилиш Байбарс учун одатга айланган эди. Султон Байбарс душман қалбига қашат соларди. Ўн тўрт қунлик қамалдан кейин салибчилар қалъаси Арқадни қабт этиб, уни қайронага айлантирди. Шундан кейин Шом шимолида ўрнашиб олган қучли ассасинларга қарши қора-қадбирлар

кўриб, уларни ҳам енгиб чикди. Унинг подшоҳлик даврида додхоҳлари Миср жанубида жойлашган Нубияни ҳам кўлга киритдилар. Сўнгра у Багдоддаги сўнгги аббосий халифанинг амакисини шу шаҳарда Ислом халифаси мартабасига кўтариб кўйди. Аббосий халифаларнинг иккинчи шохобчаси ана шу пайтдан эътиборан ўн олтинчи аср бошига қадар давом этди. Бу халифалар "авқаф" деб аталадиган диний хайр-садакалардан ва мусулмон дунёси ҳукмдорларининг ҳадяларидан арзигулик бирор моддий имкониятга эга эмасдилар. Хатто усмонлилар ҳукмдори Боязид Биринчи ҳам халифага ўлпон тўлаб, фотиҳа олиб туришга мажбур эди.

БАЙБАРС ТАЪРИФИ. Султон Байбарс буюк лашкарбоши бўлишидан ташқари ажойиб ҳукмдор эди, у мамлуклар империяси учун кўп ишлар қилди. Янги йўллар қурдириб, ариқлар қаздирди; ҳарбий-денгиз кучларини ривожлантириб, замонавийлаштирди, Коҳира ва Дамашк орасида тез хат-хабар алоқасини ўрнатди, шунингдек, кўплаб масжидлар қурдирди. Унинг ўзи ҳам ҳолис қарашли киши эди. Бетарафлиги шу қадар эдики, Коҳирада мусулмонларнинг ҳар қайсиси бошқа-бошқа мазҳабларига: ханифийлар, шофиъийлар, моликийлар ва ханбалийларга мансуб бўлган тўртта қози тайинлади. Мисрда шу қунгача сакланиб келаётган Қаъба учун ҳар йили пўш (ёпқич) тайёрлаб, Маккага етказиб бериш одати ҳам Байбарсдан бошланди. У Оврупо ва Узоқ Шарқдаги кўплаб подшоҳлар билан элчилик алоқалари ўрнатди, Олтин Ўрда хони (Чингизхон империясидан Шарқий Оврупони ва Русияни мерос қилиб олган мусулмонлар) билан иттифок тузди.